



# Shu aziz Vatan — barchamizniki O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 29-yanvar • Seshanba • 13 (27.818) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

«Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак.»

**Пойтахтимизда Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир» маърузасида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган конференция бўлиб ўтди.**

## Ёшлар йилига оид вазифалар белгиланди

Тадбир Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, мамлакатимизнинг етакчи оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари ва ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари А.Хўжаев, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари И.Саифназаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари устувор бўлган кучли фуқаролик жамияти барпо этишдек масъулиятли жараёнда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти катта эканини таъкидладилар.

Юртимизда оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, халқимизни тезкор ва ҳолис ахборот билан таъминлаш, журналист кадрларнинг эркин, самарали ижод қилиши учун барча имконият ва шароитларни яратиш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий эътиборида.

Конференцияда 2008 йил — Ёшлар йилида кучли ижтимоий сиёсатнинг узвий қисми бўлган ёшлар манфаатларини таъминлаш, уларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши билан боғлиқ жараёнларни кенг ва атрофлича ёритиш, журналистларнинг масъулиятини янада ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан 2007 йилда ўтказилган кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар ғолибларига дипломлар топширилди.

Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## Истеъдодли ёшлар — миллат гурури, мамлакат таянчи

# Тан олинган тадқиқот

ёхуд Бухоро давлат университети аспирантининг Германиядаги муваффақияти



Раъно САЙҒУЛЛАЕВА,  
профессор

Ўзбекнинг, Ўзбекистонимизнинг бой маънавий салоҳиятини намоян этмоққа чоғланган Бухоро давлат университети аспиранти Нофиза Воҳидова номи жаҳон тилшунослари томонидан бежиз эътироф этилмапти. Боиси, Германиядаги Тюбинген университетиде Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Канада, Дания, Италия, Испания, Гонконг каби ривожланган давлатлардан келган тилшунослар қатнашган «Ахборотни лингвистик қайта ишлаш» жамияти анжуманида Нофиза ўзбек субстанциал (шаклий-вазифавий) тилшунослиги ютуқлари асосида немис тилида сўзлараро муносабатлар силсиласини қайта кўриб, унда маънавий даражаланиш ҳодисасини фарқлаш, шу асосда Фарбий Европа тиллари бўйича тузилган ва тузилаётган NET, NETZ, SHATZлар (компьютер лугатлари ҳамда сўз захиралари)ни такомиллаштириш таклифи билан чиқди.

Нофиза устозлари профессор Х.Неъматов ва доцент З.Тошов илмий раҳбарлигида 2005 йили Интернет орқали немис тилида лугавий даражаланиш қаторларини ажратиш зарурлиги ғоясини Европа тилшунослари эътиборига ҳавола қилди. Ўзбекистонлик киз ўзларини замонавий тилшунослик асосчилари деб санайдиган ва бунга етарлича асоси бўлган немис тилшуносларининг диққатини тезда ўзига жалб қилди. Тюбинген университетининг янги филологик тадқиқотлар факультети эса уни бир йиллик малака оширишга таклиф қилди. Европаликлар Нофиза асослаб берган фикрларга таянадиган бўлишса, олимларнинг 1996 йилдан бери тузиб келаётган ва бу борада анча ишлар қилиб қўйилган компьютер лугатчилигига жиддий тузатиш киритишлари зарур бўларди. У ўз фикрида қатъий турди.

2007 йилнинг апрелида бўлиб ўтган халқаро анжуманда ёш ўзбек олимаси ўз қарашларини асослаб бера олди ва Маннхайм университетининг докторантурасида ўқишга тавсия этилди. Бу тадқиқотнинг энг муҳим жиҳати шундаки, ўзбек тилшунослигида ишлаб чиқилган илмий тушулча жаҳон тилшунослари томонидан эътироф этилганлигидадир.

## Таълим ва ҳаёт

# Янгиланган билим маскани

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли таълим тизими тубдан такомиллашиб бормоқда.

Самарқанд вилоятида ҳам қўллаб янги замонавий касб-хунар коллежлари, академик лицей ва мактаблар қад ростлади. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий дастури бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Дастур асосида 2004-2007 йилларда вилоятда 21 та янги мактаб фойдала-

нишга топширилди, 138 та мактаб капитал реконструкция қилинди. Шунингдек, тўққизта Меҳрибонлик уйи ва махсус мактаб-интернатлар, 17 та мактабгача таълим муассасаси капитал таъмирланди. Шунинг баробарида ўқув даргоҳлари замонавий лаборатория асбоб-ускуналари, мебель, компьютер ва спорт анжомлари билан жиҳозланмоқда.

Самарқанд шаҳридаги 1600 нафардан зиёд ўқувчи таълим оладиган 21-мактаб ҳам ана шундай кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишларидан сўнг барча қўлайликларга эга илм масканига айланди.

— Қисқа вақтда мактабимизда капитал

реструкция ишлари амалга оширилиб, синфхоналар, спорт зали, 120 ўринли мажлислар зали, ошхона замонавий қўриқ-қабил қасб этди, — дейди мактаб директори Сайёра Меликова. — Айниқса, физика, химия, биология кабинетларининг зарур ўқув-лаборатория қуроллари билан таъминланиши, лингафон хонаси ташкил этилиши ўқувчиларга фан сирларини чуқурроқ ўргатиш имкониятини яратди. Сўнгги русумдаги ўн та янги компьютер интернет тармоғига уланди.

Мактаб қошидаги 34 мингдан зиёд китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази ҳам замон талаблари даражасида

жиҳозланди. Ўқувчиларнинг электрон дарслик ва адабиётларини ўқиши учун компьютерлар қўйилди.

Фан тўғрақлари, спорт секциялари интилувчан, билимга чанқоқ болалар билан гавжум. Айниқса, ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиши учун етарли қўлайликлар яратилган. Бу эса, ўз самарасини бераётган. Утган йили мактаб ўқувчиси Фаридун Каримовнинг қаратэ бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритиши спортсевар ёшлар сафини янада кенгайтирди.

Ҳ.ҲАСАНОВ,  
ЎЗА мухбири

## МДХ кубоги: Блаттернинг эътирофи



Санкт-Петербург (Россия) шаҳрида футбол бўйича ўтказилган анъанавий МДХ кубоги халқаро турнирида Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари фахрли иккинчи ўринни эгаллашди

Аввал хабар қилганимиздек, ўн олтинчи мартаба ўтказилган ушбу мусобақанинг амалдаги чемпиони Тошкентнинг

«Пахтакор» футболчилари ярим финалда Литваннинг «Каунас» жамоаси билан куч сынашди.



4-бет

## «Саломатлик» поезди — Хоразмда

Ёшлар йили муносабати билан ташкил этилган «ЭКОСАН» «Саломатлик» поезди Хоразмга келди.

— Вилоятимизга 45 миллион сўмлик инсонпарварлик юклари келтирилди, — дейди «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг Хоразм вилояти филиали директори Э.Олланазаров. — Болалар учун мўлжалланган иссиқ кийим-кечаклар, пойабзаллар, кўрпа-ёстиқ жилдлари, кўрпа-тўшаклар, санитария-гигиена воситалари ижтимоий химояга муҳтож оилаларга, шунингдек, Хива шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи», «Мурувват уйи», оилавий болалар уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига топширилади.

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ,  
ЎЗА мухбири

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI AXBOROTI

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 29 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	1128,39	1 Польша злотийси	521,02
1 Англия фунт стерлинги	2531,78	1 СДР	2045,06
1 Дания кронаси	253,59	1 Туркия лираси	1079,28
1 БАА дирҳами	352,39	1 Швейцария франки	1180,06
1 АҚШ доллари	1294,17	1 ЕВРО	1888,97
1 Миср фунти	234,51	10 Жанубий Корея воени	13,62
1 Исландия кронаси	19,64	10 Япония иенаси	121,44
1 Канада доллари	1264,08	1 Россия рубли	52,48
1 Хитой юани	179,04	1 Украина гривнаси	256,27
1 Малайзия ринггити	395,41		

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

## ОИТСга қарши кураш ва ижтимоий ҳамкорлик

Пойтахтимизда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича қўшма дастури (ЮНЕЙДС) ҳамкорлигида ОИТС хасталигига қарши курашда ижтимоий ҳамкорлик масалаларига бағишланган форум ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси ўринбосари Г.Эшонхонова, Республика ОИТС маркази раҳбари ўринбосари Ф.Ражабов ва бошқалар мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом тушуш тарзини тарғиб этиш, хавфли юқумли хасталикларнинг олдини олиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Мутахассисларнинг фикрича, орттирилган иммунитет танқислиги синдроми — ОИТС жаҳон миқёсида тобора авж олиб бораётган касалликдир. Мамлакатимизда ушбу дардинг олдини олиш билан боғлиқ профилактик чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу борада Ўзбекистон Республикасида 2007-2011 йилларда ОИВ — инфекцияси тарқалишига қарши курашнинг стратегик дастури изчил амалга оширилмоқда.

Бунда турли вазирлик ва идоралар, тузилмалар, жамоат ташкилотлари томонидан аҳолининг, айниқса, ёшларнинг тиббий маданиятини, ўта хавфли юқумли касалликларга оид хабардорлик даражасини янада ошириш билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратилаётган. Айни пайтда хасталикнинг тарқалишига қарши курашишга жамоат ташкилотларини ҳам кенг жалб этиш, бу борада уларнинг маҳаллий ҳокимликлар, идоралар, вазирликлар билан ижтимоий ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиш ва уни янада кучайтириш жуда муҳимдир.

(ЎЗА)

Партия матбуоти

# Обуна мавсуми якунлари

## хулоса ва сабоқлар

Обуна мавсуми ҳар бир нашр тахририяти учун нихоятда масъулиятли давр. Бу жараён муассислардан ҳам алоҳида эътибор талаб этади. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ХДП ташкилотлари партия нашрлари обунасига жиддий ёндашди. Қуни кеча партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрларига 2008 йил учун ўтказилган обунанинг якунлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталарига 2008 йил учун ЎзХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан обунани ташкил қилиш ҳамда ўтказиш бўйича амалга оширган ишлари таҳлил қилинди.

Жойларда партия нашрларини оммалаштириш мақсадида тарғибот ишлари уюштирилди. Шунингдек, ҳомийлар, партиядан сайланган депутатлар, партияга хайрихоҳ қорхона ва ташкилотлар кўмагидан кенг фойдаланилди. Масалан, Тошкент шаҳридаги ЎзХДП кенгашлари томонидан ҳомийлар кўмагида кўпгина кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва фахрийлар текин обуна қилинди. Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига партиямиздан сайланган бир гуруҳ депутатлар кўплаб бошланғич ташкилотларда обуна мавсуми яхши ташкил этилишига бош-хоти бўлишди. Бу каби ибратли ишлар Бухоро, Самарқанд ва бошқа вилоят партия кенгашларида ҳам амалга оширилди. Натيجада, бу йилги обунанинг сони ўтган йилдагига нисбатан бирмунча кўп бўлди. «Ўзбекистон овози» газетаси обунасини ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон республика, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоят ҳамда Тошкент шаҳар, «Голос Ўзбекистана» газетаси обунасини ўтказишда Қашқадарё, Навоий вилоят, Тошкент шаҳар партия кенгашлари яхши нати-

жаларни кўлга киритгани қарорда алоҳида қайд этилди. Бухоро, Навоий, Зарафшон, Самарқанд, Гулистон, Ангрэн, Олмалик, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл, Фарғона, Қарши, Нукус, Тахиятош шаҳар, Қўрғонтепа, Бухоро, Жондор, Пешку, Қоровулбозор, Жомбой, Иштихон, Қўшработ, Денов, Оққўрғон, Бўка, Қўйи Чирчиқ, Бектемир, Миробод, Юнусобод, Қува, Учкўприк, Гузор, Деҳқонобод, Қамаш, Қарши, Касби, Китоб, Косон, Муборак, Нишон, Чироқчи, Шахрисабз, Яқкабоғ, Амударё, Тўрткўл, Беруний, Эллиққалъа, Тахтақўприк, Чимбой, Қўнғирот, Хўжайли туман партия кенгашлари «Ўзбекистон овози» газетасига, Зарафшон, Бекобод, Қарши, Нукус шаҳар, Бектемир, Миробод, Чилонзор, Қоровулбозор, Қўйи Чирчиқ, Пскент, Гузор, Қамаш, Қарши, Касби, Китоб, Косон, Муборак, Нишон, Шахрисабз, Яқкабоғ, Чимбой, Қўнғирот туман партия кенгашлари «Голос Ўзбекистана» ҳафталиги учун обунани уюштиришда бошқаларга ўрнак бўлдилар.

Шу билан бирга, МК Ижроқўми баъзи партия кенгашлари томонидан бу муҳим сиёсий тадбир қониқарсиз ташкил этилгани, обуна бўйича қўзланган мақсадга тўлиқ эришилмаганига уларнинг эътиборини қаратди. Хусусан, Андижон, Жиззах, Сурхондарё, Хоразм («Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» бўйича), Сирдарё, Фарғона («Голос Ўзбекистана» бўйича) вилоят партия кенгашларининг бу борадаги ишлари қониқарсиз деб топилди. Айниқса, Хонобод, Қорасув шаҳар, Булоқбоши, Мархамат, Олтинкўл, Хўжаобод, Улуғнор, Шахрихон, Вобкент, Жондор, Олот, Пешку, Ромитан, Шофиркон, Қорақўл, Ғиждувон, Арнасой, Бахмал, Зарбдор, Зафаробод, Жиззах, Зомин, Пахтакор, Мирзачўл, Фориш, Янгйобод, Кармана, Қизилтепа, Навбахор, Нурота, Хатирчи, Томди, Мингбулоқ, Поп, Чор-

тоқ, Янгйўрғон, Нуробод, Пахтачи, Сайхунобод, Боевўт, Оқолтин, Мирзаобод, Сардоба, Охангарон, Бағдод, Езёвон, Охунбобоев, Риштон, Сўх, Ўзбекистон, Богот, Гурлан, Шовот, Хўжайли туманларида «Голос Ўзбекистана» газетаси обунаси юзасидан жуда паст кўрсаткичга эришилди.

Ижроқўм қароридан обуна мавсумида йўл қўйилган камчиликларнинг асосий сабаблари кўпчилик партия кенгашларининг унга олдиндан пухта ҳозирлик кўрмагани, барча партия тузилмаларини нашрларимизга обуна қилишининг йўл, восита ва молиявий манбаларини топиш устида бош қотирмагани, бошланғич партия ташкилотларининг ақсарияти бу ишга жалб қилинмагани, шунингдек, иқтисодий бақувват қорхона ва ташкилотлар, партиянинг ижтимоий ҳамкорлари билан алоқалар сустлиги, тахририятнинг обуна нашрларини арзонлаштириш олмагани каби хато ҳамда нуқсонлар билан изоҳланади.

Ижроия қўмита Ўзбекистон ХДП обуна жараёнида энг яхши натижаларни кўлга киритган партия кенгашларини тегишлича тақдирлади ҳамда минтақавий кенгашлар ва «Ўзбекистон овози» — «Голос Ўзбекистана» газеталари тахририятига 2008 йил учун обунани ўтказишда ибрат кўрсатган туман ва шаҳар партия ташкилотлари фаоллари ҳамда ҳиммат кўрсатган ҳомийларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларнинг тахрибасини оммалаштиришни тавсия этди. Обуна мавсуми давомида юқори натижага эришмаган вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашларига йилнинг қолган ойлари учун ЎзХДП нашрларига обунани давом эттириш вазифаси юклатилди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

Тиббиёт ва ислоҳот

# Болаларнинг меҳрибон шифокори



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизimini такомиллаштиришга алоҳида эътибор қилинмоқда.  
— Ҳақиқатдан ҳам шифокорлик, айниқса, болалар билан ишлаш ўзига хос, ноёб касб ва унинг самарадорлиги кўплаб омиларга боғлиқ. Бу борада нафақат кучли билим, балки кўп йиллик амалиёт жараёнида эгалланган тажриба ва кўникма ҳам муҳим аҳамиятга эга,  
— дейди Марғилон шаҳар болалар шифохонасининг 2-педиатрия бўлими бошлиғи, I-даражали «Соғлом авлод учун» ордени совиридориди Абдумухтор Рустамов. — Шунингдек, даволаш натижалари тиббиёт ходимларининг меҳнат шариоити, замонавий ташхис қўйиш ва даволаш усулларига ҳам боғлиқ. Бевоқиф болалар билан ишлашда бу жуда муҳим аҳамиятга эга.

Олий тоифали шифокор раҳбарлигидаги мазкур бўлимда ҳар йили ўртача 1700-2000 нафар болажонлар даволаниб, оилалари бағрига қайтади. Бу ерда улар учун ҳар томонлама қўлай шарт-шароит яратилган. Шунинг учун ҳам кейинги олти-етти йил давомида бўлимда биронта ҳам юқумли касаллик қайд этилмаган бўлса, деярли ўн йил мобайнида ўлим ҳолати рўй бермади.

Таъкидлаш жоизки, чорак асрлик фаолияти давомида 150 нафардан зиёд ёш шифокорларга устозлик қилган А.Рустамов даволаш жараёнида ўзига хос ёндашуви билан ҳам ҳурмат ва эътибор қозongan. Мисол учун, тажрибали шифокорнинг антибиотиклардан қўнғига 3-4 маҳал ўрнига, 2 бор фойдаланиш борасида тавсиялари самара бериб, бу усул ҳозирда вилоятнинг кўплаб шифохоналарида муваффақиятли қўлланилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда шифокорлик касби энг шарафли касблардан бирига айланган бўлган экан, бундан бунён тиббиёт ходимларининг хизмат кўрсатиш даражаси, муомала маданияти, энг муҳими, ҳар қандай дардни тез, сифатли ва аниқ даволаш ҳамда касалликни олдини олиш борасидаги ишлари ҳам шунга муносиб бўлишлари лозим.

**Суратда:** Марғилон шаҳар болалар шифохонасининг 2-педиатрия бўлими бошлиғи Абдумухтор Рустамов

**М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат**

2008 йил — Ёшлар йили

# «Ҳавас қилса арзийди»

Жиззах шахрининг «Қайрағора» маҳалласида истиқомат қилаётган ёш оила — Суён Силлиев билан Гулнора Нормуродовлар ҳақида кўпчилик шундай фикрда

Оила бошлиғи йигирма етти ёшда, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши қошидаги «Камалот» болалар ташкилоти раиси, Жиззах давлат педагогика институти педагогика факультетининг сиртки бўлим талабаси. Турмуш ўртоғи Гулнорахон Нормуродова йигирма икки ёшда. У ҳам шу институтнинг кундузги бўлимида тахсил олади. Иккаласи ҳам олам-олам орзулар қанотида яшаётган ёшлардан.

— Суёнжонни ҳам, Гулнорахонни ҳам яхши билман, — дейди факультет декани, профессор Ҳамид Мелиев. — Умидли, иқтидорли талабаларимиздан. Уқиб-ўрганишдан, изла-нишдан асло чарчашмайди, янгиликларга ўч. Кўпчилик талабалар учун қўйишга, одобу ахлоқда, маданиятда улар каби ўрнак бўлиб яшашга ҳаракат қилишади.

Яқунланган йил ёш оила ҳаётида унутилмас из қолдирди. Гулнорахон Нормуродова «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилган «Келажақ овози» Республика кўрик-танловига ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Суёнжон эса ўзининг изланувчанлиги, меҳнатсеварлиги билан ёшларнинг манфаатларини ҳимоя этишга, уларни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ишларга жалб қилишга қўшган катта ҳиссаси учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг «Ўзбекистон белгиси» нишони билан тақдирланди.

— Бу оила билан ёнма-ён қўшни турамыз, — дейди тадбиркор Тожихон Зиёдуллаева. — Борди-келди қиламиз. Ҳар иккаласи кун бўйи ишда, ўқишда бўлишса-да, бу хонадон ҳаммиса саранжом-сарирталиги, озодалиги билан диқ-

қатингизни тартади. Очиғи, кўп йиллардан бери бирга яшаб келаётган унча-мунча оилаларда ҳам бундай ахиллик ва ҳамжиҳатликни, иззату ҳурматни кўриш қийин.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда бу йил Ёшлар йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан ёш оила аъзолари Суёнжон ва Гулнорахонларнинг бу борадаги фикрлари билан қизикдик.

— Ёшлар йилида, айниқса, бизнинг тенгдошларимизга янада каттароқ масъулият қўланади. Биз — ёшлардан эса бундай ишончу ғамхўрликдан келиб чиқадиган зиммаларимиздаги шарафли вазифани англаш, унинг қадрига етиб яшаш талаб этилади. Бинобарин, энди ҳар бир ёш кўрсатилган эътиборга жавобан янада юксак ютуқларни кўзлаб яшати, ўз имкониятлари, истеъдодини кўрсатиши зарур бўлади, — дейди Суёнжон.

Гулнорахон ҳам буни тасдиқлаб, унга қўшимча қилади:

— Ҳукуматимиз, шахсан Юртбошимиз биз ёшларга алоҳида эътибор билан қараб, бекиёс ғамхўрликлар кўрсатиб келмоқда. Бизга қўбилиятимиз ва истеъдодимизни амалда намойиш этиш учун етарли шарт-шароитлар яратилмоқда. Бундай имкониятлардан ўринли фойдаланган тенгдошларимизнинг мамлакат, ҳатто жаҳон миқёсида улкан муваффақиятларни кўлга киритаётганига ҳам гувоҳ бўлиб турғубиз. Биздаги ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаш борасидаги эътиборга амалий ишларимиз билан муносиб жавоб бериш вақти келди.

Оила — аввало жамиятнинг асоси, юртнинг таянчи ҳисобланади. Шу маънода унда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, унинг жамиятдаги ўрни, маъжри ҳақида қайғуриш, айниқса, ёш

оилалар тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш нафақат ота-онанинг, балки кенг жамоатчилик, маҳаллақўй, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг бурчига айлансагина бу борада қўлланган натижага эришиш, қўзланган марраларни эшитиш мумкин.

Аслида Суёнжон ва Гулнорахонларнинг оиласи сингари маънавий дунёси бой, пойдевори мустаҳкам оилаларнинг кўпайиши ҳар бир маҳалланинг, юртнинг ишончли эртаси, фаровон келажагидан нишона. Фарзандларининг илму маърифатга чанқоқ, ҳушхулқ йигит-қизлар бўлиб улғайиши, ҳаётда ўз ўринларини тегишли, эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбияланган асрлардан бунён сақланиб келаётган миллатимизга хос буюк фазилатдир. Бу қадрият истиқлол туфайли янада улуғланмоқда.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

# Хайрихоҳлар ишончи учун

Ўзбекистон ХДП Охангарон шаҳар фаоллари аҳолининг ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш, кам таъминланган, кўп балали оилалар, ногирон, боқувчисини йўқотган, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш мақсадларида алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Халқ депутатлари Охангарон шаҳар Кенгаши депутатларининг қарийб ярми — 14 нафари Халқ демократик партияси аъзоларидир. Депутатлар шаҳар ижтимоий-сиёсий ҳаётда, оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишда кўпгина ташаббусларни ўртага ташлашмоқда.

Ўтган «Ижтимоий ҳимоя йили»да депутатларнинг бевоқиф таъин қилиниши билан «Янгиобод», «Қўрғон», «Хонобод», «Янгилик», «Шодлик», «Бакт», «Орзу» каби кўплаб маҳаллаларда Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Хотира ва қадрлаш куни, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан қатор тадбирлар ўтказилди. Уларда партия фаоллари, депутатлик гуруҳи аъзолари, фахрийлар иштирок этдилар. Аҳоли ва фаоллар ўртасида қизгин мулоқот, савол-жавоб, фикр алмашувлар бўлиб ўтди. Булардан фуқароларнинг сиёсий маданияти, ижтимоий фаоллиги кун сайин ошиб бораётгани аққол қўри-

ниб турибди. Юрта, бунёдкор ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси кучаймоқда. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳам ҳар доим депутатларимизнинг диққат марказида. Йил давомида партиянинг Охангарон шаҳар кенгаши ходимлари ва фаоллари маҳаллаларда аҳолининг ижтимоий аҳолини ўрганиб, мониторинг ўтказиб, қария ва ёлғизлар ҳолидан хабар олишди, совғасаломлар улашди.

2008 йил — Ёшлар йили муносабати билан яқинда шаҳар партия кенгаши ташаббускорлигида ёшлар ва болажонлар учун катта тадбир уюштирилди. Унга кам таъминланган ва кўп бола-

ли оилаларнинг иқтидорли, алоҳи ва жамоатчи фарзандлари тақдир этилди. Ўзбекистон ХДП Охангарон шаҳар кенгаши раиси Алижон Акбаров, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати, шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳалима Шамсиддиновалар сўзга чиқиб, Ёшлар йили ва унинг аҳамияти, мазмун-моҳияти, йил давомида амалга ошириладиган ишлар ҳақида гапирди. Тадбир давомида 70 нафарга яқин ёшларга спорт кийимлари, совға-саломлар улашди.

Умуман, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Охангарон шаҳар кенгаши ва депутатлик гуруҳи тўғрисида ҳар доим ҳақдорлик ҳисси кучаймоқда. Таъдир давомида 70 нафарга яқин ёшларга спорт кийимлари, совға-саломлар улашди.

**Муқаддас АЛИЕВА,**  
халқ депутатлари  
Охангарон шаҳар  
Кенгаши депутати.

# Ҳашар йўли билан

## Асака шахрида болалар спорт мажмуаси бунёд этилди

Ҳашарда гап кўч. Саволи ва зегу юмушларга бош қўйишни ният қилиб юрганлар кўнгиладан чиқариб ҳиммат кўрсатади. Кўпчиликнинг қорига ярайдиган, ёшларнинг соғлом ва дуркун бўлиб вояга етишига хизмат қиладиган бинолар, катта-кичик қурилишлар қисқа фурсатларда битиб кетади.

Болалар спорт мажмуаси қурилишида «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими, тадбиркорлар,

ҳунармандлар, ҳокимият идоралари фаоллик кўрсатди. Асакадаги қўшма ва хусусий қорхоналар молиявий томондан кўмаклашиш мақсадида бу хайрли юмушга маблағ ажратди. Эндиликда бу ерда тўрт оз нафарга яқин болалар футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, энгил атлетика билан шугулланади.

**«Туркистон-пресс»**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

### «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

(фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартин билан)

**Объектлар номи:**

1. Ўзбекистон тумани, Каттаавгон қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
2. Бувайда тумани, Чунгбоши қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
3. Фурқат тумани, Болтақўл қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
4. Фурқат тумани, Қашқақум қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
5. Бешариқ тумани, Шабада қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
6. Данғара тумани, Қирғизовул қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
7. Ўзбекистон тумани, Қум қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
8. Бешариқ тумани, Чинобод қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
9. Фурқат тумани, Усмонобод қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
10. Данғара тумани, Ғумойли қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
11. Учкўприк тумани, Тўқай қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
12. Учкўприк тумани, Кенагас қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
13. Бағдод тумани, Мирзаобод қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
14. Бағдод тумани, Ғалабадаш қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
15. Бешариқ тумани, Ҳожибек қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
16. Бувайда тумани, Алимгерган қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
17. Тошлоқ тумани, Учалиш қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
18. Фарғона тумани, Сатторобод қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
19. Фарғона тумани, Фарғона (Сойбўйи) қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.
20. Риштон тумани, Қапа қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.

**Қурилиш муддати — 01.08.2008 йил.**

**Манзили:** Фарғона шаҳар, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-24-33, 224-75-43.  
**Умумий қурилиш ишлари марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

### «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 ЙИЛДА ВИЛОЯТДА ҚУРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТГА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Объект номи:**

**Кўкун шаҳар, Хўжанд кўчасидаги 6-сонли мактаб учун 12х24 м. ўлчамли спорт зали қурилиши, «калитга».**

**Қурилиш муддати:** 1.08.2008 йил.

**Қурилиш ишлари республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.**

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш ва умумтаълим мактабларини таъмирлаш ишларида энг камида 2 йиллик иш тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағга (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи

кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.**

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.**

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда оферталарни очиб кўриш ва вақтигача қабул қилинади. Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

**Вазирлар  
Брюсселда  
учрашишди**

Европа Иттифоқига кирувчи 27 давлат ташки ишлар вазирлари Брюсселда учрашди. Унда Косовонинг келажакдаги мақоми ва худудга иттифонинг фуқаро-полиция миссиясини юбориш масаласи кўриб, деб хабар қилди РИА Новости. Бельгия ОАВнинг фикрича, муҳокама жараёнига Сербиядаги президентлик сайловлари таъсир этмаслиги учун миссия юбориш масаласи февраль ойида қабул қилинади. Эслатиб ўтамиз, расман Сербияга қарашли бўлган Косово худуди 1999 йилдан бери БМТ назорати остида. Шунингдек, кун тартибига кўра, вазирлар Жанубий Болкондаги давлатлар, Эроннинг ядровий дастури, Покистон, Ливан, Кения, Чад ва Африка Республикасидаги вазиятни кўриб чиқдилар.



**Европада ягона тўлов тизими**

28 январь Ягона Европа тўлов тизими — SEPA (Single Euro Payments Area) жорий қилинди. «РБК-daily» газетасининг ёзишича, бу воқеанинг аҳамияти 2002 йил Евро пул бирлигининг киритилиши билан тенг. 28 январдан бошлаб жисмоний ва юридик шахслар миллий ва Европа тўлов бозоридаги чекловлардан қутулиб, SEPA тизими ёрдамида пул ўтказиши мумкин. Европада аёзо 27 мамлакат, яъни 330 миллион аҳоли мана шу тизимдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Аниқроғи, улар Европадаги исталган банк хизмати орқали тўлов ишларини амалга ошириш имкониятига эга.



Бошқа томондан банклар ўртасидаги чегаранинг йўқолиши улар орасида рақобатнинг кучайишига олиб келади. Маълумки, йилига Европа худудида 74 миллиард пул операциялари амалга оширилади, бу эса ер юзи бўйича ўтказиладиган пулларнинг ундан бир қисмини ташкил қилади.

**Резолюция  
талаб қилишмоқда**

Араб мамлакатлари Ҳазо сектори бўйича янги резолюция қабул қилиниши талаб қилишмоқда, деб хабар беради РИА Новости. Араб мамлакатлари Лигасининг раҳбари Амр Мусонинг айтишича, Лига кенгаши БМТ Хавфсизлик Кенгашидан ташки ишлар вазирлари даражасида Ҳазо сектори бўйича резолюцияни қабул қилиниши сўрамоқда. Эслатиб ўтамиз, бир неча кунлик музокара-лардан сўнг Кенгаш Ҳазо сектори бўйича резолюцияни келишмовчилик туфайли қабул қилмаган.

Араб давлатлари Лигаси тайёрлаган ҳужжатда алоҳида эътибор Фаластин худудидаги инсонпарварлик вазиятига қаратилган. Жумладан, унда «томонларни ҳар қандай зўравонлик ҳаракатлари ва Исроил худудини ракета отишмаларидан тўхтатиш»га чорлов бор.



**Бировнинг жигари кўйилгач...**

Тибиёт тарихида илк бор реузус-фактори ўзгарган ҳолат кузатилди. Олти йил аввал Австралидаги 9 яшар қиз алоқ Деми Ли



Бреннанга донорнинг жигари ўтказилган. Операция муваффақиятли ўтган, қизнинг организмида шифокорларга тушунарсиз жараёнлар кузатилган. «Биринчи гуруҳ салбий реузус-факторига тегишли қон ижобий реузус-факторга ўзгарди», — дейди шифокор Жули Кертин. 15 ёшга кирганда қизнинг аҳоли бирдан оғирлашган ва донор жигарининг тўқималари номаълум сабабларга кўра, қизнинг миясига кирган ва унинг иммун тизимини бошқарган. Қиз дори воситаларини қабул қилишни тўхтатгач, аҳоли ўз-ўзидан яхшиланган.

**Йилига 2,3 млн. киши  
қурбон бўлмоқда**

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, йилига 2,3 миллион киши спиртли ичимлик билан боғлиқ касаллик ва шикастлардан вафот этади. Ташкилотнинг 122-сессияси қатнашчиларининг ҳулосасида айтилишича, алкоголь бевақт вафот этиши ва ногиронликка олиб келувчи энг катта сабаблардан биридир.

Сессия делегатлари спиртли ичимликларга қарши ягона стратегия ишлаб чиқиш тўғрисида махсус резолюция қабул қилдилар. Мутахассислар спиртли ичимликни умуман ичмасликни эмас, меърида истеъмол қилишни назарда тутатганини таъкидлашмоқда. Алкоголнинг салбий таъсири уни маълум вақт оралиғида ичилган миқдори ва сифати (таркибидаги метанол каби захарли модда)га боғлиқлиги таъкидланган.



**Тендер савдоларига таклиф этамиз!**

**Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси**  
**«Зармитан олтин-маъдан зонаси кони негизда**  
**кон-маъдан мажмуаси қурилиши (1 босқич) лойиҳаси бўйича**  
**жиҳозларни етказиш ишларига**

**№10/08 Тендер савдосини эълон қилади:**

**1-лот:** КТПВ — 400/6-6,0/0,4 УХЛ5, 600 мм. ТУ У31.1-00217159-034-2002 русумли портла-майдинган мажмуавий трансформатор ним-станцияси — 1 комп.

**2-лот:** КТПВ — 630/6-6,0/0,4 УХЛ5, 600 мм, ТУ У31.1-00217159-034-2002 русумли портла-майдинган мажмуавий трансформатор ним-станцияси — 1 комп.

**Тендер ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 257 АҚШ доллари** (хорижий компаниялар тўловни АҚШ доллариди, маҳаллий корхоналар ўзР Марказий банкнинг тўлов ба-жариллаётган вақтдаги расмий курси бўйича миллий валютада амалга оширади).

**Буюртмачи:** Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси

**Молиялаштириш манбаи:** Буюртмачининг ўз маблағлари

**Молиялаштириш шартлари:**

— маҳаллий корхоналарга — Ўзбекистон Республикаси Миллий валютасида;

— хорижий компанияларга — АҚШ доллариди.

**Етказиш шартлари:** СР — «Нурбулок» станцияси, станция коди 728204, «Ўзбекистон Темир йўллари» ДАТК, қабул қилувчи коди 2223, Ўзбекистон, Инкотермс-2000га мувофиқ.

**Етказиш муддати:** 2008 йил.

Тендерда шартномаларни тузиш ваколатига ва фуқаролик ҳуқуқдорлигига, тендер асосида харид қилинадиган тегишли ҳажмдаги маҳсулотларни етказиш бўйича етарли тажрибага эга бўлган, таклиф этилган шартларга мувофиқ иштирок этиш истагини билдирган маҳаллий, шунингдек, хорижий ишлаб чиқариш ёки таъминотчи идора ва ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Закалат суммаси — харид ҳисоб-китоби қийматининг 1-5% миқдориди.

Тендерда иштирок этиш, тендер ҳужжатларини харид қилиш ва топшириш учун НКМК капитал қурилиш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингизни сўраймиз:

**Навоий шаҳри, 210100, Навоий кўчаси, 27-уй.**

**Мурожаат учун телефонлар:**

**(+998 79) 227-72-11, 227-70-81.**

**Факс: (+998 79) 227-75-97.**

Тендер ҳужжат (оферта)ларини тақдим этишнинг охириги муддати — эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кун. Оферталарни очиш санаси ҳақида қўшимча равишда хабар берилди.

Тендер ҳужжатларининг очилиши қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади: Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 27-уй, НКМК бошқармаси биносиди.

**Тендер ҳужжатларига тўловни амалга ошириш учун банк реквизитлари:**

**Хорижий компанияларга:**

ЎзР ТИФ Миллий банки  
Тошкент ш., 100084, Юнусовод,  
Амир Темур кўчаси, 101-уй  
МФО 00450  
SWIFT: NBFAUZ2X  
Валюта ҳисоб рақами: 22614840200305623002

**Маҳаллий корхоналарга:**

ЎзР ТИФ Миллий банки  
Навоий филиали, Навоий ш.,  
Ибн Сино кўчаси, 14-уй  
Х/Р: 20210000900305623001  
МФО 00196 ИНН 201204514  
ОКОНХ 12411

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!**

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ  
ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

**қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни  
танлаш бўйича очиқ танлов савдолари  
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№	Лот №	Мақтаб манзили, рақами	Ўқувчи ўринли
1	7/1	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Бирлашган ҚФЙдаги 38-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	720
2	7/2	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Бекобод ҚФЙдаги 43-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	720
3	7/3	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Истиклол ҚФЙ, Қораятоқ маҳалласидаги 45-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	180
4	7/4	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Янгиқўрғон шаҳридаги 50-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	624
5	7/5	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Нанай ҚФЙ, Қайроқи қишлоғидаги 51-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	540
6	7/6	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Узак қишлоғидаги 31-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	720
7	7/7	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Наврўзобод ҚФЙдаги 42-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	210
8	8/1	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Чортоқ шаҳри, Наманган МФЙдаги 8-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	844
9	8/2	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Короскон ҚФЙдаги 2-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	624
10	8/3	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Ҳазратшоҳ ҚФЙдаги 30-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	422
11	8/4	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Пешқўрғон қишлоғидаги 31-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	422
12	8/5	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Чортоқ шаҳридаги 40-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	520
13	8/6	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Чортоқ шаҳридаги 44-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	422
14	8/7	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Богистон қишлоғидаги 28-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	320
15	9/1	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 5-А кичик тумандаги 49-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	1176
16	9/2	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Идтифок турар-жой массивидаги 54-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	320
17	9/3	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Навоий кўчасидаги 6-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	980
18	9/4	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Бирлашган ҚФЙ, Бирлашган қишлоғидаги 14-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	536
19	9/5	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Нанай ҚФЙ, Оқтом қишлоғидаги 18-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	320
20	9/6	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Зарбдор ҚФЙдаги 27-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	480
21	9/7	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Айқирон ҚФЙдаги 38-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	210
22	9/8	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Чортоқ шаҳридаги 49-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	320
23	10/1	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Оқтош ШФЙдаги 17-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	340
24	10/2	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Қатағон-сарой ҚФЙдаги 37-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	624
25	10/3	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Қўшқайрағоч қишлоғидаги 43-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	360
26	10/4	Наманган вилояти, Поп тумани, Чодак қишлоғидаги 26-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	624
27	10/5	Наманган вилояти, Поп тумани, Чоркесар қишлоғидаги 3-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	624
28	10/6	Наманган вилояти, Поп тумани, Санг қишлоғидаги 10-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	1176
29	10/7	Наманган вилояти, Поп тумани, Поп шаҳридаги 40-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	320
30	10/8	Наманган вилояти, Поп тумани, Марғизор қишлоғидаги 6-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	525
31	11/1	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Сайрам ҚФЙдаги 5-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	140
32	11/2	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Тўрақўрғон шаҳарчасидаги 12-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	624
33	11/3	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Холматов ҚФЙдаги 17-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	422
34	11/4	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Хўжанд ҚФЙдаги 20-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	360
35	11/5	Наманган вилояти, Поп тумани, Чодак қишлоғидаги 50-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	624
36	11/6	Наманган вилояти, Поп тумани, Тўда қишлоғидаги 33-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	320
37	11/7	Наманган вилояти, Поп тумани, Тўда қишлоғидаги 11-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	624
38	11/8	Наманган вилояти, Поп тумани, Навбахор қишлоғидаги 43-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	320

**Қурилишни якунлаш муддати — барча объектлар бўйича 2008 йил 1 август.**  
**Буюртмачи:** Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган  
**Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.**  
**Телефон: (8-369) 226-22-60, 33-77-06.**

**Қурилиш ишлари Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган мактаб жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва мутахассислар захираларининг мавжудлигига, танловга қўйилган объек-га ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилишлари мумкин.

**Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.**

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси га тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш куну ва соати.

**Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй.**

МДХ кубоги:

Блаттернинг эътирофи



(Давоми. Боши 1-бетда)

Пахтакорчиларнинг тўлиқ устунлигида ўтган мазкур ўйинда вакилларимиз 3:1 ҳисобида зафар қўқидилар. Тўпларни ҳамюртларимиздан Зайниддин Тожиев, Анваржон Солиев ҳамда Акмал Холматовлар киритди ва футболчиларимиз каторасига иккинчи бор турнирнинг финал босқичига йўланма олишди.

Хал қилувчи учрашувнинг иккинчи иштирокчиси номи эса БАТЭ (Белоруссия) — «Хазар-Ленкорань» (Озарбойжон) жамоалари учрашувидан сўнг аниқланди — 1:2.

Маълумки, шу кунларда Москвада хоккей бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Шу боис, МДХ кубоги халқаро турнири ташкилотчилари мусобақа мезбонлигида Санкт-Петербург шаҳрини танлаган эди. Шунга қарамай, Санкт-Петербургликлар турнирни юқори

савияда уюштириш учун барча чораларни кўришди. Жумладан, мусобақа финал учрашувини кузатиш учун ФИФА президенти Зепп Блаттер ҳамда УЕФА раҳбари Мишель Платиниларнинг ташриф буюрганликлари ҳам сўзимиз тасдиғидир. «Петербург» спорт мажмуада ўтказилган хал қилувчи бахсни саккиз мингдан ортиқ муҳлис томоша қилганлиги ҳам турнирга бўлган қизиқиш ортаётганлигини кўрсатди.

Финалда эса «Пахтакор» жамоаси мусобақа дебютанти Озарбойжоннинг «Хазар-Ленкорань» футболчиларига 3:4 ҳисобида имкониятни бой берди. Яқини ҳисобдан кўриб турибдики, ўйин жуда жонлиқ ва шиддатлиқ курашларга бой ўтди. Ахир ишқибозларга доим ҳам финал баҳсида еттига гол кўриш насиб қилавермайдими! Бундай учрашув эса муҳлисларга олам-олам завқ-шавқ, хузур

бағишлаши шубҳасиз.

Тан олиш керак, шу кунини омад очқичасига озарбойжонликларга кулиб бокди. Равшан Хайдаров шогирдлари икки маротаба олдинга чиқиб олишларига қарамай, ғалабани сақлаб қола олишмади. Пировардида ҳимоячилар ва дарвозабон Темураевнинг йўл қўйган хатоларидан унумли фойдаланган «Хазар-Ленкорань» футболчилари голиблик шохсупасига кўтарилишди.

— Бугун ҳар иккала жамоа ҳам очиқ футбол намойиш қилиб, кўп гол уришди, — деди «Пахтакор» жамоаси бош мураббийи Равшан Хайдаров учрашувдан сўнг ўтган матбуот анжуманида. — Афсуски, жамоамизнинг ҳимоя чизигида муаммолар юзага келди. Ҳужумда эса йигитларимиз яхши ҳаракат қилишди. Мусобақада етакчи футболчиларимиз иштирок этишмади ва биз янги ўйинчиларни сино-

дан ўтказиш имкониятига эга бўлдик. Уйлайманки, ёшларимиз учун бу турнирда ортирилган тажриба келгусида жуда асқотади.

Дарҳақиқат, турнир давомида пахтакорчилар ёмон тўп суришмади. Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Рауф Инилеев таъбири билан айтганда, «Пахтакор» — МДХ кубоги халқаро турнирининг энг ҳамжиҳат ва аҳил жамоаларидан бири эди. Бироқ яқинда чемпионликка эришишдан кўра, уни сақлаб қолиш мушкул иш эканлигининг гувоҳи бўлдик. Қолаверса, охириги ўйинга келиб Сервер Жепаров, Тимур Копадзе сингари тажрибали ўйинчиларнинг ўрни билиниб қолди. Бу эса келгусида «Пахтакор» жамоаси мураббийларининг улар ўрнига муносиб футболчиларни излаб топиш ва тарбиялаш хусусида бош қотиришларини талаб этади. Чунки олдинда пахтакорчиларни бир қатор халқаро учрашувлар кутиб турибди.

— Турнир баҳонасида биз нафақат чиройли ва ҳужумкор ўйин гувоҳи бўлдик, балки мусобақада иштирок этган давлатлар вакиллари билан футболни ривожлантириш йўлидаги муҳим масалаларни ҳам келишиб олдик, — деди ФИФА президенти Зепп Блаттер. — Бу турнир нуфузини ошириш учун эса УЕФА ва ФИФА доимо хайрихоҳ бўлиб келган. Келгусида ҳам бунга содиқ қоламиз. Ишонаманки, келажакда бу мусобақага янада катта эътибор қаратилади ва унда жамоалар ўринбосарлари билан эмас, аксинча асосий таркиби билан қатнашадилар.


Эркин ХОЛБОБО



Биз билган ва билмаган тарих

Алоуддин Атторга атаб қурилган

Саид Оталиқ мадрасасида ўз даврида 400 га яқин талаба илм олган. Сурхондарё вилоятида ягона мазкур қадимий илм-маърифат маскани бугун қайта чирой очмоқда.



Халқимиз қадим-қадимдан аждодлар хотирасига, бой маънавий меросига катта ҳурмат билан муносабатда бўлиб келган. Хусусан, истиқлол йилларида бизгача етиб келган кўплаб осори-атиқалар, минорая обидалар, кўҳна мадрасаю хонақоҳлар, бир сўз билан айтганда, отабобларимизнинг табаррук излари қолган муқаддас қадамжолар таъмирланиб, асл қиёфасига қайтгани ўтмишга бўлган эҳтиромимизни яққол ифодалайди.

Ана шундай мейморий ёдгорликлардан бири Денов туманида жойлашган Саид Оталиқ мадрасасидир. Сангардак ва Сурхон дарёси оралиғида жойлашган бу манзил қадимдан машҳур. Денов номи эса дастлаб XIV-XV асрларда Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида

— Хожа Алоуддин Аттор XIII аср охирида Чағонийнга келган, — дейди фольклоршунос олим Тоштемир Турдиев. — Милодий 1400 йил баҳорда Деновда вафот этади. У зот кўним топган манзил 2004 йилда қайта таъмирланди. Бугунги кунда зиёратгоҳ ҳар доим одамлар билан гавжум. Шаҳар марказидаги мадраса Аттор бобомизнинг ўғиллари — Шайх Ҳасан Аттор ва неваралари Хожа Юсуф Аттор томонидан 26 йил давомида қурилган. Қурилишларга уста Аҳмад Мамат Бухорий бошқоқ бўлган. Унинг пойдевори 5,5 метр бўлиб, пишиқ гиштар ганч ёрдамида ўзига хос усулда терилган. Уша даврда мадрасада 400 га яқин илму толиб тахсил олган...

— Нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда ҳам машҳур бўлган илм маскани тоталитар тузум даврида ёпиб ташланганди, — дейди мадраса раҳбари Бердимурод Сатторов. — Шукри, бугун у қайта чирой очди. Атрофи ободонлаштирилиб, гулзор қилинди. Ҳукуматимизнинг ёрдами билан бугунгача катта кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган бўлса, дастурга мувофиқ 2010 йилгача яна 100 миллион сўмлик иш бажариш кўзда тутилган.

Халқимизда ўз билими, ақлу заковати билан ном қозongan етук салоҳиятли аждодларимиз руҳини шод этиш, уларга ўз эҳтиромимизни кўрсатиш, бугун ҳаётимизнинг эзгу тамойилига айланган. Эро, аждодларини қадрлаган миллатнинг бугуни ва эртаси ёруғ бўлади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

<b>BOSH MUHARRIR:</b>	Safar OSTONOV
<b>TAHRIR HAY'ATI:</b>	Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Bobir ALIMOV Sharbat ABDULLAYEVA Turobjon JO'RAYEV FeruZ NAZIROV Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Norqobil JALIL (Bosh muharrir o'rinbosari) G'afFor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Musliddin MUHIDDINOV NomoZ SA'DULLAYEV Svetlana GERASIMOVA Andrey KUSTOV Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV
<b>MUASSIS:</b>	O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
<b>BO'LIMLAR:</b>	Partiya hayoti 233-10-13 Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55 Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56 Kotibiyat 233-72-83, 136-55-17 Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
<b>VILOYAT MUXBIRLARI:</b>	Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-22-32 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 223-83-73 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-15 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Denovda — 8-37641-23-780
<b>MANZILIMIZ:</b>	100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
<b>Navbatchi:</b>	Ravshan SHODIYEV
<b>Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.</b>	Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Sobirjon TUNG'ATOV
<b>«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.</b>	Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
<b>Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.</b>	Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
<b>Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.</b>	«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
<b>Г — 50</b>	15774 nusxada bosildi
<b>t — Tijorat materiallari</b>	O'za yakuni — 21.15 Topshirilgan vaqti — 22.00 1 2 3 4 5 6 7
<b>Sotuvda erkin narxda</b>	

«Она Ер — ёшлар кўлида»

шиори остида янги кўрик-танлов

2008 йил мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан ёшларнинг атроф-муҳитга эътиборини кучайтириш, уларнинг сув ва ер ресурсларига бўлган муносабатини шакллантириш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳамда фермер хўжалиklarининг янги технологиялар асосида жадал ривожланишини таъминлаш мақсадида «Она Ер — ёшлар кўлида» шиори остида ЁШ ФЕРМЕРЛАР РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ эълон қилинди.

Тошкент давлат аграр университетидида «Экосан» халқаро ташкилоти, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Республика Табиати муҳофиза қилиш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Қўрғоқчил минтақаларда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари халқаро маркази (ИКАРДА) ташкилотчилигида эълон қилинган мазкур танловнинг тақдироти бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар танлов амалиёти — ёшларни фермерлик ҳаракатига кенгроқ жалб қилиш, аграр ва фермер-

лик соҳаларида замонавий технологияларни жорий этиш, ёш фермерлар билимларини юксалтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби йўналишларга беvosита хизмат қилиши ва фермер хўжаликлари рентабеллигини оширишга кўмак беришини алоҳида таъкидлашди.

Кўрик-танловда республика миқолида истиқомат қилаётган 30 ёшгача бўлган барча ёш фермерлар иштирок этиши мумкин.

Иштирокчилар фаолияти қишлоқ хўжалик эканларининг ҳосилдорлигини ошириш, замонавий технологиялардан фойдаланиш, экологик тоза маҳсулотлар

етиштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, фермерлик фаолияти йўналишларини кенгайтириш орқали қўшимча иш ўринлари ташкил қилиш каби мезонлар бўйича баҳоланди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришган энг яхши ёш фермер бош соврин билан мукофотланади. Шунингдек, голиблар танлов ташкилотчиларининг дипломи ва Фахрий ёриқлари ҳамда Ташкилий қўмитанинг махсус совринлари билан тақдирланадилар.



Азиз ҳамюртлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари!

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари орасида «Fitch Ratings»

халқаро рейтинг компаниясининг «Барқарор» тоифасидаги тўлиқ рейтингини олган биринчи банк Акциядорлик тижорат «Пахта банк» Сизларга ўзининг

«Тошкент» Республика фонд биржасининг «А» тоифадаги расмий листингига киритилган даромадли ва юқори ликвидли банк акцияларини таклиф этади!

«Пахта банк» акцияларига эга бўлиб, кафолатли ва барқарор келажакингизни яратинг!



«Пахта банк» — фаровонлигингиз калитидир!

Андижон вилоят хўжалик судининг 2008 йил 13 январдаги №17-0708-10225 сонли хал қилув қарори билан Андижон тумани «Камолот Люкс Ойл» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Қирғизистон қўшма корхонаси банкрот деб эътироф этилган. Тугатиш ишларини оритиш бўйича Мўйсинов Баходиржон тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган. Банкрот корхонанинг кредиторлар талабларининг реестрини тузиш учун барча кредиторлар асословчи ҳужжатларни, корхона манзили, реқвизитлари тўлиқ кўрсатилган ҳолда тугатиш бошқарувчисига тақдим этишлари шарт. «Камолот Люкс Ойл» МЧЖ қўшма корхонасининг кредиторлари йиғилиши 2008 йил 8 февраль куни соат 9.00

да Андижон тумани давлат солиқ инспекцияси биносида ўтказилади. Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 8.30 да бошланади. Кун тартибидидаги масалалар:

1. «Камолот Люкс Ойл» МЧЖ қўшма корхонасининг тугатиш жараёни бўйича ҳисобот.
2. Кредиторлар талабларининг реестрини тасдиқлаш.
3. Бошқа масалалар.

Барча кредиторлар ваколатнома асосида ушбу йиғилишда қатнашиши сўралади. Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: (код 8-374) 222-14-12, 253-66-38.